



# MILLIY TIKLANISH

30 (195) ● 2012 йил 1 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



**РЕКЛАМА** ахбороти нафақат товар ва хизматларни бозорда сотиш учун қулай восита, балки мамлакат иқтисодиётининг истиқболли ҳамда жамият фикрининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.



**ХОЗИР** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида нодир китобларни таъмирлаш, консервация ва реставрация қилиш хизмати ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Қимматли адабиётлар таъмирланиши билан бирга улар электрон форматга ҳам ўтказилади.



**МАМЛАКАТИМИЗДА** болалар спортини ривожлантириш, хусусан, қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланиши учун давлатимиз томонидан берилган эътиборнинг самараси ўлароқ, етук спортчи қизлар етиштиб чиқмоқда.

2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

● **ХАБАРЛАР**

**Янги мажмуа — аҳоли хизматида**

Конимех туманидаги Учтепа овулида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

"Қизилқум" наслчилик ширкат хўжалиги ҳудудида бунёд этилган янги мажмуа саратрошхона, новвойхона, озик-овқат ва маиший буюмлар дўкони ҳамда олти юз ўринли маросимлар залини ўз ичига олади. Кейинги йилларда бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди. Фойдаланишга топширилган янги замонавий мажмуа аҳолига қатор қулайликлар яратиш билан бирга овул кўрқига-кўрк қўшибгина қолмай, ўн нафарга яқин йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ғолиб — мамлакат босқичига**

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 14 маслаҳатчи иштирок этди. Танловда иштирокчилар белгиланган шартлар бўйича тажриба ва маҳоратини намойиш этди. Якунда биринчи ўринга Шахрисабз туманидаги "Сариосиё" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тамара Орипова лойиқ кўрилди. Энди у танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

**Мунозара кечаси**

Фарғона вилоятининг Фурқат туманида маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида вояга етмаган ёшлар ўртасида "Заҳри қотил тузоғига илинганлар" мавзусида мунозара кечаси ўтказилди.

Кечада сўзга чиққанлар заҳарли моддаларни истеъмол қилиш оқибатлари ҳақида сўзлаб, ёшларни бундай йўлларга кириб қолишдан ўзларини асраши, она Ватанимиз келажаги жисмонан соғлом ва баркамол ёшлар қўлида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Тадбир якунида йиғилганларга «Чилги жийда» маданият уйи ҳаваскорларининг концерт дастури намойиш этилди.

● **ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани йилномасига яна бир ёрқин зарварақ қўшилмоқда. Туман меҳнаткашларининг яшаш, яратиш, бунёдкорлик ишқи билан амалга ошираётган ишлари шаҳарга янада жозоба, кўрк бахш этипти. Туман аҳолисининг фикр-мулоҳазалари асосида қурилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги қулайликлар яратишдек эзгу ишлар қамрови кенгаймоқда. Бундан барчаниннг кўнгли фахру гурурга тўлмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, туман маркази инфратузилмасини янгилаш, катта муаммо эмаслигини ҳаётий тажриба кўрсатди.



## Бешариқнинг обод манзиллари



Аввало, туманда иқтисодий-техникавий ва молиявий имкониятлар етарли. Моддий ресурслар ҳроий ташкилотлар, химматли тадбиркор, ишбилармонларнинг беиминнат ёрдами, корхона, ташкилот, муассаса ишчи-ходимлари томонидан уюштирилаётган ҳашарлар эса умидбахш ютуқлар гарови бўлмоқда. Туман ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар ва туман Кенгаши депутатларининг эътибори тўғрисида масала ва вазифалар қадам-бақадам ҳал этилмоқда.

4-бет

● **ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

## Наманганлик хунармандлар

ЎЗМТДП КўМАГИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТГА ЭГА БЎЛДИЛАР

Чуст туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришидаги аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилди.



Таъкидланганидек, юртимизда истиқлол йилларида халқимизнинг маънавий қадриятлари, урф-одат ва аъёналари, бой тарихий ме-

росимизни асраб-авайлаш ва бойитиш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Хусусан, мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам миллий хунармандчиликни ривожлантириш, авлодан-авлодга ўтиб келаётган аъёналарни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ ҳудудда асрлар оша яшаб келаётган, аж-додлардан мерос-миллий хунармандчилик қайтадан тикланиб, сайқал топмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз электрорати саналган хунармандларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар юзасидан халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" аъёнаний мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиб келмоқда.

3-бет

● **МУНОСАБАТ**

## Илмий ва илмий-педагогик кадрлар

ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Мустақиллик шарофати билан юртимизда миллий аъёналар ва жаҳоннинг илгор андозаларини ўзида мужассам этган, маъно ва моҳияти жиҳатидан мутлақо янгича тамойилларга асосланган узлуксиз таълим тизими барпо этилди. Мамлакатимиз келажаги учун ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган бу тизим миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етук, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштирган ёшларни тарбиялашдек эзгу мақсадга қаратилган. Бунинг нафақат юртимиз аҳли, балки дунё эътирофи этмоқда, уларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

4-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи = 158



# СИЁСАТ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Айни пайтда бу борадаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Термиз шаҳридаги “Болажон” маданият ва истироҳат боғи яқинда капитал таъмирланиб, турли кўнгилчор ўйинлар қурилмалари билан таъминланди. Боғдаги манзарали даракларга шакл берилиб, ҳар хил гул кўчатлари экилд. Йўлакчалар тартибга келтирилиб, фавворалар ишга туши-

садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди.  
Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасида олинган маълумотларга кўра, ўтган йили Сароисиё туманидаги “Хурватан” маҳалласи ҳудудида қарийб олти гектар майдонда “Ёшлар” маданият ва истироҳат боғи барпо этилди. Бу ерда беш минг донга яқин сосна, ясен, япон сафораси, каштан каби ноёб дарахт ва уч минг туп гул кўчатла-

тимизни мазмунли ўтказиш, кўнгилли ҳордиқ чиқариш ва турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун қулайлик яратди. Манзарали дараклар, гуллар бебаб турган сўлим боғда кишининг баҳри дили очилди. Ўқиш ва ишдан бўш пайтларида бу боғда мириқиб сайр қиламиз, спорт билан шуғулланамиз, маданий тадбирларда қатнашамиз. Бизга шундай қулайликларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

- дейди Термиз шаҳридаги “Алломиш” маданият ва истироҳат боғи директори Баҳром Алиев. — Яшил майсазорга айланган боғимиз ёз фаслининг иссиқ кунларида ҳам салқин ва тоза ҳавоси билан барчага манзур бўлаётди. Бу ерда болалар ва катталар учун аттракционлар, чархпалак, музқаймоқ ва салқин ичимликлар дўконлари хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, чўмилиш хавзаси, болалар ўйинликларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Келгуси йили Ангор, Денов, Узун туманларидаги “Дўстлик”, Алишер Навоий номидаги, “Галаба” маданият ва истироҳат боғларини капитал реконструкция қилиш учун пухта ҳозирлик кўрилмақда.  
Янгидан бунёд этилаётган, капитал реконструкция қилинаётган ушбу маданият ва истироҳат боғлари ҳам юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Холмўмин  
МАМАТРАЙИМОВ,  
Ўқув-семинар

## Маданият ва истироҳат боғлари — юрт кўрки

ридли. Музқаймоқ ва салқин ичимликлар дўконлари барпо этилди.  
Етти гектар майдонни эгаллаган мазкур боғ ёшлар бўш вақтларини мароқли ўтказадиган, ота-оналар фарзандлари билан маданий дам оладиган сўлим масканга айланди.

Истироҳат боғида турли маданий дастурлар ташкил этиш, мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу ерда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга

ри ўтказилди. Болалар майдончасига турли хайвон ва эртак қаҳрамонлари ҳайкалчалари ўрнатилиб, бешта музқаймоқ дўкони қурилди. Ёшлар учун барпо этилган мини-футбол, баскетбол, волейбол майдончалари замонавий талаблар асосида жиҳозланди.

— Туманимизда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшларнинг маданий дам олиши учун етарли қулайликка эга маданият ва истироҳат боғи йўқ эди, - дейди сариоисиёлик Холиддин Бўриев. — Янги боғнинг барпо этилиши бўш вақ-

Термиз шаҳрида жойлашган Бобур, Шўрчи тумани Б.Холматов номидаги маданият ва истироҳат боғларида ҳам капитал реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Боғларни таъмирлаш жараёнида кўп йиллик дарахтларни сақлаб қолиш, янги ниҳоллар ўтказиш ишлари алоҳида эътибор қаратилаётди. Йўлакчалар атрофида янги гулзорлар бунёд этилиб, замонавий инфра-тузилма тизими яратилмоқда.

— Миҳозларга хизмат кўрсатиш сифатини йилдан-йилга юксалтиришга ҳаракат қилмоқдамиз,

## Суратларда Ватан мадҳи

**Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб “Суратларда Ватаним мадҳи!” мавзусида кўрғазма очилди.**

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида ташкил этилган ушбу кўрғазмада Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган расм ва дизайнер, хунарманд қизларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.  
Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари А.Сапекеева, Б.Азизова ва бошқалар Президентимиз

Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди ва қобилиятини тўғри йўналтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.  
Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти илмфан, маданият ва санъатнинг турли йўналишлари каби тасвирий санъат соҳасида изланаётган, ўз

хулқи, фидойилиги билан тенгдошларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизлар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида 11 нафар мўйқалам соҳибаси ушбу мукофот билан тақдирланди. Уларнинг ақсариятининг ижодий ишлари «Янги авлод» болалар ижодий фестивали, «Келажақ овози» республика кўрик-танлови, «Тошкент қувончлари» халқаро болалар расмлари биеналеси, «Тасвирий санъат+5» ижодий ҳафталиги каби йирик лойиҳалар билан бирига, Хиндистон, Япония, Польша каби давлатларда ўтказилган халқаро кўрғазмаларда совринли ўринларга лойиқ топилган.

Бибиноз Қайпова 1996 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Бола-

лар ижодиётига оид бир қатор республика ва халқаро кўрғазма, фестивал, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган, 2011 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Ҳозир Республика расмлик коллежининг рангтасвир факультетида таҳсил олаётди.

— Мамлакатимизда ҳар бир ёшнинг камолоти, истиқболлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда, - дейди Бибиноз. — Бундай юксак ишонч, меҳр-эътибор зиммамизга улкан масъулият юклайди. Бизга чексиз илҳом бағишлаб, янгидан-янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,  
Ўқув-семинар

## Электорат манфаатларига хизмат қилиш

ДЕПУТАТ ОБРЎСИ ВА ПАРТИЯ НУФУЗИНИ ОШИРАДИ

**Самарқандда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилоят минтақавий бўлими мавзусида “ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари” мавзусида ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари вакиллари иштирок этди.**

ва нуфузини мустаҳкамлашда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ўрни беқиёс. Шундай экан, партияимиздан сайланган депутатлар сиёсий етуқ, ҳуқуқий жиҳатдан пухта билимга эга бўлишлари керак. Партия ходимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сиёсий ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси де-вонида ўқув-услубий, ахборот-таҳлил бўлими ташкил этилди. Партияимиз зиёлиларнинг энг илғор ва жамиятнинг бошқа қатламлари вакиллари ўз сафида бирлаштирган. Шу боисдан ҳам ҳар бир учрашувдаги маъруза ва чиқишларимиз, суҳбатларимиз ниҳоятда маъно ва мазмундор бўлиши, одамларнинг қалбига яқин, уларда ишонч уйғотиши зарур. Чунки бизнинг асосий гоимиз — халқимиз ҳаёти, унинг қадрият, аънана ва умрбоқий удумлари билан боғлиқ.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзолари Олимжон Оқиллов ва Илҳом Абдуллаевнинг “Сайловчилар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг ўрни” мавзусидаги маърузалари ҳам тингланди. Маърузаларда фуқаролар, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини қўллаб-қувватлаш, одамларнинг қўнунларга ҳурмат билан қарашлари, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки ва бунинг учун етарли билим ва кўникмага эга бўлишлари зарурлиги каби масалаларга эътибор қаратилди. Шу боис сайлов қонунчилигини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида сиёсий ҳуқуқий мавзулардаги турли кўрик-танловларни ташкил этиш зарурлиги каби масалаларга ҳам алоҳида тўхталинди.

Ўқув-семинарда ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларига мос

таклифларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш борасида тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

**Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати:**

— Семинарда тақдим этилган маърузаларда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ташаббускор бўлишлари, электорат манфаатлари учун фидойилик кўрсатишлари, партия ишига чин дилдан ёндашишлари мақсадга мувофиқ экани таъкидлаб ўтилди. Жойлардаги ҳокимликлар қарорлари устидан назоратни амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиб бўйича бунёд қилинган фикр-мулоҳазалар келгуси фаолиятимизда қўл келиши шубҳасиз.

**Дилноза САМАТОВА, ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси:**

— Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, қарорлар қабул қилишидаги роли тобора ошиб бормоқда. Мазкур даврда партия кадрларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада ошириш, уларнинг мафкурави, маънавий ва маърифий жиҳатдан етуқлиги ва малакага эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган бугунги ўқув-семинарда ана шундай масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани келгусидаги фаолиятимизни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

**Ориф ХОЛИКУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

### ● ПАРЛАМЕНТ



## Қўмита йиғилиши

**“РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат бошқаруви органлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар, реклама агентликлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

Маълумки, реклама ахбороти нафақат товар ва хизматларни бозорда сотиш учун қулай восита, балки мамлакат иқтисодиётининг истиқболли ҳамда жамиятнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда реклама соҳасида мукамал қонунчилик базаси яратилгани боис миллий реклама бозори ўзининг юқори қўрсаткичлари билан яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни рекламани ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда, юртимизда реклама бозори инфраструктурасининг ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, тижорий маҳсулотлар тайёрловчи реклама агентликлари сони ўтган йилда 482 тадан иборат бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 494 тага етган. Реклама тарқатишда телевидение асосий субъект ҳисобланиб, бозордаги улуши 52 фоизни, босма нашрлар 22 фоизни, ташқи реклама 14 фоизни, радионинг улуши эса 12 фоизни ташкил этади.

Тадбирда “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги ижроси ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда, юртимизда реклама бозори инфраструктурасининг ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, тижорий

реклама жойлаштириш тартиби ва талабининг бузилиши, телевидениеда чекланган вақтига амал қилмаслик, рекламага оид асосий талабларнинг бузилиши характерига қўнунбузилишларни кузатиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги реклама бозорининг умумий ҳажмига нисбатан Тошкент шаҳрининг улуши 52 фоизни ташкил этади. Пойтахтимиз реклама бозорига бугунги кунда 200 дан ортиқ субъект фаолият юритмоқда, шундан 68 таси ташқи рекламани жойлаштиришга ихтисослашган реклама агентликлари саналади. Тошкент шаҳрида реклама тарқатиши билан боғлиқ йўналишлар ўрганилганда ўртача 35 фоизи телевидение, 24 фоизи радио, 23 фоизи босма нашрлар ва 18 фоизи ташқи рекламага тўғри келиши маълум бўлди. Шаҳар ҳудудидаги 4113 та ташқи реклама воситаларининг 32 фоизи юқори технологиялар асосида LCD экранларидан фойдаланилган ҳолда жойлаштирилган.

Мамлакатимиз минтақаларида ҳам реклама бозори ривожланмоқда. Буни Самарқанд вилояти мисолида кўриш мумкин. Хусусан, ҳудуд реклама бозори таҳлил этилганда 42 фоизи телевидение, 14 фоизи радио, 28 фоизи босма нашрлар, 16 фоизи ташқи рекламага тўғри келади.

Йиғилишда реклама бозорини мониторинг қилиш, реклама соҳасидаги статистика тизимини такомиллаштириш, ташқи реклама жойлаштириш қоидаларига қатъий амал қилиш, реклама берувчи ва тарқатувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташқи рекламанинг давлат тилидаги матнини кўпайтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Қўмита йиғилиши якунида реклама қонунчилиги ва унинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда истиқболлини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Камолитдин САИДУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

### ● ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

## Дастурий мақсад ва вазифалар ижроси

СИРДАРЁ ТУМАН ХДПЧИЛАРИ ЁДИДАН КЎТАРИЛГАН... МИ?

янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституций Қонуни қоидаларига асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва химоя қилишга йўналтирилган”лиги таъкидланган. Ҳўш, ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан ўтган давр мобайнида ХДП туман Кенгаши томонидан қандай ишлар амалга оширилди ёки оширилмоқда?

ЎзХДП депутатлик гуруҳи вакиллари халқ депутатлари туман Кенгашининг бўлиб ўтган 13 та сессиясининг бирортасида ўз электорати ёки сайловчиларини ўйлантираётган масалалар юзасидан жўяли бир ташаббус ёхуд тақлиф билан чиқишмаган. Ваҳоланки, туманда партия электоратини ўйлантираётган муаммолар йўқ эмас.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, Сирдарёда 49 та маҳалла, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Уларда кам таъминланган оила бор. “Аҳоли бандлигини ошириш ва иш ўринлари ташкил этиш дастури” ижросини таъминлаш борасида туманда жорий йилнинг январь, февраль ва март ойларида 1507 та янги иш ўрни ташкил этилиши лозим эди. Лекин амалда 1466 та иш ўрни ташкил этилди. Ушбу рақамлар туманда мазкур йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали талай эканлигини кўрсатмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқ фаровонлиги ва барқарорлигига қаратилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, давлатимизнинг доимий эътиборида турибди. Мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш юзасидан қатор қонун ва давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда ҳаётга илҳом қилишга этилмоқда. Бироқ, партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаат-

**ЎзХДП депутатлик гуруҳи вакиллари халқ депутатлари туман Кенгашининг бўлиб ўтган 13 та сессиясининг бирортасида ўз электорати ёки сайловчиларини ўйлантираётган масалалар юзасидан жўяли бир ташаббус ёхуд тақлиф билан чиқишмаган. Ваҳоланки, туманда партия электоратини ўйлантираётган муаммолар йўқ эмас.**

ларини ҳимоя қилиш, сайловчиларга берилган ваъдалар ижросини таъминлашга ЎзХДПдан Сирдарё туман Кенгашига сайланган 13 нафар депутат, 1778 нафар партия аъзосини бирлаштирган 54 та бошлангич партия ташкилотлари бефарқ муносабатда бўлмоқдалар.

ХДПчилар Ҳаракат дастурида қайд этилган “меҳнат ресурслари ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариши ва бошқа тармоқларида уларга бўлган эҳтиёжни ўрта ва узоқ мuddатли прогноллаштириш ти-

зимини такомиллаштириш, аҳоли бандлиги борасидаги давлат ва ҳудудий дастурлар ижросининг самарадорлигини, иш ўринларини кўпайтириш ва иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши кўрсаткичлари асосида баҳолашга ўтиш” каби ваъдаларига бармоқ орасидан қарамоқдалар. Келгуси сайловларга ҳам икки йилдан кам вақт қолди. Модомки шундай экан, ЎзХДП вакиллари сайловчиларга берган ваъдалари ижроси юзасидан қандай ҳисоб берадилар, ўзларини қандай ва нима деб оқлайдилар?..

**Анорбой НОРКУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

**Сирдарё тумани вилоятнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йирик ҳудудларидан бири саналади. 113 миң 170 нафар фуқаро истиқомат қилаётган туманда 423 та фермер хўжалиги, 11 та хорижий қўшма корхона, 2870 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Айтиш ўринлики, халқаро магистрал йўл ва Сирдарё дарёси устида жойлашган туманда туризм, хусусан, экотуризмни кенг ривожлантириш имконияти мавжуд. Соҳани янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётгани қувонарлиқдир. Бу далиллар туманининг катта иқтисодий потенциалга эга эканини кўрсатади. Ҳудудда олиб борилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ҳамда ижтимоий-сиёсий ислохотларда сиёсий партиялар, хусусан, улардан сайланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари муҳим ўрин тутуши шубҳасиз.**

Халқ депутатлари Сирдарё туман Кенгашига ЎзХДПдан 13, ЎзЛиДеПдан 11, ЎзМТДПдан 6 нафар депутат сайланган. Туман Кенгашининг ўтган йили 7 та, жорий йилда 3 та сессияси ўтказилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурида “ЎзХДП фаолияти “Давлат бошқарувини янгилash ва

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

### Наманганлик хунармандлар

ЎзМТДП Кўмагида имтиёзли кредитга эга бўлдилар



(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Хунарманд" уюшмаси

билан ҳамкорликда миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

— Тадбир партия электроти бўлими хунармандларни қўллаб-қувватлаш, маҳалларда оилавий бизнесни йўлга қўйишга кўмаклашиш, касаначилик билан шугулланиш

наётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш ҳамда тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан таништириш мақсадида ташкил этилди, - деди ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев. — Эътироф этиш лозимки, партиянинг дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Хунарманд" уюшмаси

билан ҳамкорликда амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 120 дан зиёд хунарманд ва оилавий тадбиркорга умумий қиймати 3 млрд. сўмга яқин имтиёзли кредит олиш учун банк сертификатлари топширилди. Улар асосида режага мувофиқ 200 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Ушбу сазъ-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Семинар якунида 25 нафар хунармандга 367 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш учун банк сертификатлари топширилди.

#### Хуршида ХАЙИТБОЕВА, хунарманд, ЎзМТДП аъзоси:

— Семинарда жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ёш оилалар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда хотин-қизларга тақлиф этилаётган банк хизматлари ва уларнинг афзалликлари ҳақида қимматли маълумотлар берилди.

ЎзМТДП кўмагида имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлдим. Ушбу маблағни фаолиятимизни янада кенгайтириш, ёш авлодга хунар сирларини ўргатишга қаратилган "устоз-шогирд" мактабларини ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратишга йўналтиришни режалаштирганмиз.

#### Маъсум МЎМИНОВ, хунарманд, ЎзМТДП аъзоси:

— Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган миллий хунармандчилик мустақиллик туфайли қайта тикланиб, янада ривожланмоқда. Бугунги кунда хунармандлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нафақат юртимиз бозорлари, балки чет эллардан ҳам харидорлар чиқмоқда.

Бугунги тадбир воситасида хунармандларга берилаётган ҳуқуқий ва ташкилий имкониятлар, тижорат банкларида кредит олиш тартиблари ҳақида янгиликлардан бохабар бўлдик.

ЎзМТДП МК Ахборот хизмати

## ТАРФИБОТ

ЎзМТДП Бағдод туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда туман ФХДБ бўлими ҳамкорлигида "Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, ФХДБ ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

## Оилавий муносабатлар

Унда миллий урф-одат ва анъаналар АКС ЭТМОҒИ ЛОЗИМ

Тадбир ёшлар ва хотин-қизларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий фаоллигини янада кучайтириш, тиббий билимларини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали мамлакатимизда мустаҳкам оилалар сафининг кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Йиғилишда "Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг ўрни", "Никоҳланувчи шахслар ҳаётида тиббий кўриқнинг аҳамияти" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Таъкидланганидек, оиладаги фаровонликнинг аъзолари соғломлиги ва оилавий анъаналарнинг тўғри йўлга қўйилганида намоеён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан ёш авлод тарбиясини миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар уйғунлигида олиб бориш, оилада ҳуқуқий-тиббий маданиятни юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади.

ёшлар, шунингдек, хотин-қизлар ўртасида мустаҳкам оила қуриш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласига бағишланган тарғибот тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбирда жорий "Мустаҳкам оила йили"да тарғибот ишларини янада кучайтириш, эртамиз эгалари онгига оила тушунчаси нақадар муқаддас эканини сингдириш лозимлиги таъкидланди.

Жорий "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан ташкил этилган ана шундай тадбирлардан яна бири Гурлан туманида бўлиб ўтди. ЎзМТДП туман Кенгаши ташаббуси билан "Оила мустаҳкамлигини таъминлашда никоҳ шартномаларининг аҳамияти" мавзусидаги давра суҳбатиде партия туман Кенгаши аъзолари, туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДБ туман бўлими ходимлари ҳамда ёш оила вакиллари иштирок этди.

— Жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ЎзМТДП худудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар зиммасига алоҳида маъсуляти юкланади, - деди ЎзМТДП Гурлан туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси С.Жуманиёзов. — Зеро, партия-миз сайловолди Платформасида оила институтини такомиллаштириш, унинг қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис тарғибот тадбирларида

оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Бугунги давра суҳбати ҳам айнан партия дастурий мақсадларига ҳамоханлиги билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатиде сўз олганлар мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, оилада репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, тадбирда оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари хусусида сўз юритилди.

— Никоҳ шартномасида эр ва хотиннинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлади, - деди туман ФХДБ бўлими мудири С.Тиллаева. — Бу эса оилаларда юз бераётган турли муаммо ва можароларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, у тотувликка хизмат қилади. Айрим юрдошларимиз никоҳ шартномаси эр-хотин ажрашаётган пайтда мулкни бўлишиш учун керак бўлади, деб ўйлашади. Аслида, никоҳ шартномалари оилаларни ажратиш эмас, аксинча, мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

## БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

### Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар

МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА СУЯНЧЛАРИДИР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларни ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали оила, давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фаоллигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Партия Қарши туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан мазкур йўналишга оид Ҳаракат режаси тузилиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борадаги ишларни янада жонлантиришда бошланғич партия ташкилотлари ва халқ депутатлари ту-

вриндори Мафтуна Норматова "Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўриқ-танловининг Республика босқичида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Эришилаётган натижалар туманда бошланғич партия ташкилотларининг худуддаги жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик самарасидир.

Мисол учун, куйи бўғин ташаббуси билан "Хунарманд" уюшмаси туман бўлими ҳамкорлигида худудда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, соҳага ёшларни кенг жалб қилиш, қизиқишларини янада ошириш мақсадида "устоз-шогирд" аънавий мактаблари фаолиятини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Анзират Амедова етакчилик қилаётган БПТ ташаббуси ҳамда тегишли ташкилотлар билан

Бугунги кунда 25 нафар партия аъзосини бирлаштирган ва Саодат Алланазарова етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти фаолларидан тузилган қизлар жамоаси яқинда бўлиб ўтган "Ораста қизлар" кўриқ-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Бундан ташқари БПТ фаолларидан бири "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори Мафтуна Норматова "Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўриқ-танловининг Республика босқичида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

ман Кенгаши депутатлари ҳамкорлигига таянмоқда. Жумладан, ЎзМТДП туман Кенгаши таркибидаги 17 та БПТ жойлардаги ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама баркамол, маънавий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан етук шахслар этиб тарбиялашга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратган. Куйи бўғинлар томонидан ўтказиб келинаётган "Баркамол авлод — обод Ватан келажиги", "Ўзбекистон ёшларининг юксак маънавият сари одими — жамият тараққиёти бош мезонидир", "Замондош ёшлар қиёфаси", "Ёшлар бизнинг келажигимиз" ва "Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар — ёшлар нигоҳида" мавзуларидаги тарғибот тадбирлари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда 25 нафар партия аъзосини бирлаштирган Саодат Алланазарова етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти фаолларидан тузилган қизлар жамоаси яқинда бўлиб ўтган "Ораста қизлар" кўриқ-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Бундан ташқари БПТ фаолларидан бири "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти со-

ҳамкорликда худудда гилам чеҳи ишга туширилди. Натижада 10 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. Шунингдек, хунарга қизиққан қизлар шогирдликка олинмоқда. Қолаверса, чеҳра куйи бўғин фаоллари гиламдан ташқари "Арава" ва "Шол" тўқуш сир-аскорларини ҳам ўрганмоқда. Шунинг баробарида ёшлар маҳсулотлари туман, вилоят ва республика кўриқ-танлов ва қатор санъат кўргазмаларида иштирок этиб келмоқда. Мазкур сазъ-ҳаракатлар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларни миллий хунармандчилик ва касаначиликка жалб этиш, партия дастурий мақсад ва вазифаларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, жамоатчилик орасида ЎзМТДП нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган. Зеро, ёшлар эртамиз таянчлари ва эгаларидир. Улар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш эса барчамизнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

Дилрабо КАМОЛОВА, ЎзМТДП Қарши туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси

## 168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

### Баркамол авлод тарбияси

БАРЧАНИНГ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТИГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ

## КОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Қўнғирот туман Кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила — жамиятнинг ҳал қилувчи кучидир" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши вакиллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" ва БПТ етакчилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирни очган ЎзМТДП Қўнғирот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Т.Абдижамилова фарзандларимиз тарбиясида оиланинг ўрни бекиёс эканлигини таъкидлади. Шунингдек, жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар, оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида партия томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида оила институтини ва унинг қадриятларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун етказишга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилангани ҳамда бу йўналишда оила ва маҳаллалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлигини эътироф этдилар.

## АНДИЖОН

Юртимизда ёшларнинг билим олиши, хунар ўрганиши, спорт билан шугулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу эса эртамиз эгаларининг иқтидор ва имкониятларини намойиш қилиб, жаҳон ареналарида, халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, мамлакатимиз шухрати, халқаро нуфузи ва обрў-эътиборини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишларига замин яратмоқда.

ЎзМТДП Избоскан туман Кенгаши томонидан "Мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини оширишда ёшларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши вакиллари, "Ёшлар қаноти", БПТ етакчилари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Избоскан туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Г.Усмонов сўзга чиқиб, партия томонидан ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

— Ёшларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, нотиклик, етакчилик кўникмаларини шакллантириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш, уларни халқимизнинг бой маънавий анъаналари асосида миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замонавий билим ва касб-кор эгалари бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифалари сирасига қиради, - деди нотик. — Бу борада партия туман кенгаши томонидан қатор давра суҳбати, ўқув-семинар ва кўриқ-танловлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилган.

Давра суҳбати доирасида "Қонунлар билимдони" мавзусида савол-жавоб ўтказилди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимизда ёш авлодни миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни тарихий ўзлигимиз, улуғ аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос билан яқиндан таништириш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ЎзМТДП Ўртачирчиқ туман Кенгаши ташаббуси билан "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни" мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши вакиллари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Камолот" ЁИХ туман бўлими кенгаши фаоллари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатиде ёшларнинг юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар жараёнидаги фаоллигини кучайтириш, партия сафини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимли, ташаббускор ва етакчи аъзолар билан кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қизгин-баҳс мунозараларга бой руҳда ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП Қўшқўпир туман Кенгаши томонидан "Мустақиллик — гуруримиз, ифтихоримиз" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ва БПТ етакчилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳалари, хусусан, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда дуусан эътирофига молик ишлар қилинди, жаҳон айвонида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли кадамлар ташланди. Бу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш борасида партия томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

— Партиянинг ёшлар ва хотин-қизларни юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашишга интиломоқда, - деди ЎзМТДП Қўшқўпир туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари М.Тиллаева. — Мазкур тадбир ҳам эртамиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, амалдаги қонун ва давлат дастурлари мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунириш бериш мақсадида ташкил этилди. Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар ёшларнинг ватанпарвар ва халқига садоқатли инсонлар бўлиб вояга етишларида муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ● ТАҚДИРИМАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### Бешариқнинг обод манзиллари

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Бугунги Бешариққа назар ташласангиз шаҳар энига ҳам, бўйига ҳам ўсиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Унинг бугунги қиёфасини "Мустақиллик майдони", шаҳарнинг "Тилло остонаси" — "Олтин водий" шохқўчаси бошлангидаги "Буям бозори", шарқона жозибадар қад ростлаган савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчалари жойлашган иншоотсиз, "Дехқон бозори"нинг "Файзиобод савдо мажмуаси", Шодликбод МФЙ худудидаги намунавий уйлар, Чорбоғ маҳалласига кираверишдаги гузар, замонавий инфраструктура тўра-жой бинолари, равон асфальт йўл,

ший хизмат, умумий овқатланиш шаҳобчалари жойлашган савдо мажмуаси, янги таъмирдан чиққан икки қисмли қатнов йўли, яшиллик бурканган гулзорлар тароватидан кўз қамашади. Қалби тоза, инсоний гурури зўр қурувчи-муҳандис, ишбилармон-тадбиркорларимизга минг раҳмат! Энди бу жойларнинг оқшоми шунчалар нури ва жозибалики, кишини хайратга солади.

Тақдирини, бахтини эркин ва обод шу Ватан билан боғлаган одамгина кишиларни севиб, улар меҳрини, ҳурмати қозона олади. Туманда иқтисодий рақобат, юрт ободлиги, турмуш фаровонлигини таъминловчи улкан ва беқиёс жабҳага ўз меҳнати билан ҳисса қўшиб келаётган

**Тақдирини, бахтини эркин ва обод шу Ватан билан боғлаган одамгина кишиларни севиб, улар меҳрини, ҳурмати қозона олади. Туманда иқтисодий рақобат, юрт ободлиги, турмуш фаровонлигини таъминловчи улкан ва беқиёс жабҳага ўз меҳнати билан ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлар борки, уларга юртдошларининг ҳурмати баланд.**

қошин ётқизилган пиёдалар йўлакларини, гулзорларини "Шодлик" истироҳат боғисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

#### ОБОДЛИК ВА САРИШТАЛИК ОСТАНАДАН БОШЛАНДИ

Бешариқ ёзининг авжи қайноқ палласи. Водийда пишқичлик, тўкинлик вақти. Узумлар шира боғлаб, қовун-тарвузларнинг пўсти ерга тушди. Кенг пахта далаларини ҳаётбахш нури билан чулғаётган оғир оқшом уфққа бош қўяди. Бундай паллаларда уйда ўтириб чой ичишдан не наф?! Барибир ташналик қонмайди. Саратон қўйи элитган танадан ҳорғинликни тарқатмоқ учун шахрим оқшомининг нурафшон қўйнига ҳар кун сайр этгани чиқаман.

Бугун ҳам шундай бўлди. Мана, "Олтин водий" кўчаси бошлангичдан Файзиобод маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги темир йўл кесилишидан. Рўпарада кеча ташландиқ ҳолда ётган, бугун замонавий кўриниш олган савдо, ма-

фидойи инсонлар борки, уларга юртдошларининг ҳурмати баланд.

Маълумотларга кўра, қурилиш-таъмирлаш ишларига жами 210 млн. сўм маблағ йўналтирилган. Натيجада кўри-ниб турганидек, бўёқлари йил-тираган, шакли чиройли, завққа монанд иншоот қурувчи муҳандис И.Кенжаев, О.Абдуллаев, О.Туранов, У.Эшмонов, А.Жамбулов, Э.Эргашев каби пудрат бошлиқлари, уста ва йўлсозлар фидокорлиги билан реконструкция қилинди.

Бу иншоотнинг эътиборни тортадиган жиҳати унинг меъморий ечимини, бўёқнинг танла-ниши, жозибасидир. Бинога биллурдай тиниқ кўкиш ойналар ҳашам бериб турибди. Рап-қон йўналишидаги транспортнинг тизиг оқимини ўтказиш, ҳавфсизлигини таъминлаш учун икки қатновли йўл барпо қилинди. Ўртада кўм-кўк майсазор, анвойи гуллар. Имортнинг ко-шин ётқизилган пиллапоёлари унга ҳамоҳанг.

— Шунга таъкидлаш жоизки, дейди шу худудда жойлашган Бешариқ агроиқтисодий касб-хўнара коллежи директори Зи-

лолаҳон Вассиева. — Тумани-миз раҳбарларининг ташаббус-корлиги билан ҳукуматимизнинг шаҳарсозликни ривожланти-ришга оид қарорлари ижроси таъминланиб, маблағлар фа-қат тежамкорлик билан энг дол-зарб ва зарурий иншоотларга йўналтирилмоқда.

Тумандаги ташкилот, муас-саса, идораларнинг олди қисми таъмирланаётган, қизғиш жи-гарранг бўёқда бўлиб, чирой-ли кўриниш олаётган бир пайт-да коллежда фаолият олиб бораётган 124 нафар ўқитувчи-мураббий ходимлар хоҳиш-ис-таги баён этилган хат билан туман ҳокимиятига чиқиб, биз ҳам ҳашар йўли билан катта йўл ёқасидаги коллеж биноси-ни миллий аъналаримизга мослаб таъмирдан чиқаришни маълум қилдик. Ташаббус маъ-қулланди ва зарурий техника етказиб беришни ҳокимият ўз зиммасига олди.

#### “ОДАМИ ЭРСАНГ, ДЕМАГИЛ ОДАМИ...”

Мустақил Ватанимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида эркин зарварақ бўлиб битилган "Фай-зиобод" савдо мажмуаси қар-шисига келаман. Бу ерда бар-чанинг ҳавасини тортадиган бозоринг қурилганига ҳадемай бир йил тўлади. Ушбу савдо мажмуаси 2011 йилда тадбир-корлар маблағи ҳисобидан қисқа вақтда қуриб фойдала-нишга топширилди. Мажмуа жами 35 та савдо дўкони, 108 та оқшом савдо ўрнига эга.

Рассталардаги қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларини қўриб, Фарғона водийси гўё табиат-нинг тўкин дастурхони дейсиз. Маъмуржон ҳожи Алиевнинг "Дунё" замонавий савдо дўко-ни, унинг иккинчи қаватидаги шиша ошхонаси билан бош-ланиб, мажмуанинг охиридаги "Ҳаётбек" фотостудиясигача харид қилувчи, хўрандалар ва кечки сайрда яхна ичимликдан баҳраманд бўлаётган одамлар-га тўла.

Бир йил аввалги манзара бешариқликларнинг ёдида. Тўкилиб турган пасткам дўкони-дан, чойхона, бир-бирига тир-банд расталар... Лойиҳа асо-сида бозор тоқи ва пирамида-си ўзига хос меъморий ечимга эга маҳобатли ва муҳташам қилиб кўтарилди. Ойнакорли, мраммура кошинлар билан бе-

залган ҳашамдор дўкони, ҳушманзара фаввора, гулзор бу ернинг аввалги қиёфасини буткул ўзгартириб юборди.

Қурилиш ишларига туман "Дехқон бозори" томонидан 400 млн. тадбиркорлардан 301 млн. жами 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфлан-ди. Сотувчи ва харидорлар учун қулайлик туғдираётган ушбу мажмуа тумандаги турмуш фар-вонлигининг эркин сифат-ларини кўрсатувчи кўзгубўлиб, туман меҳнатқашлари қалби-да етилган эзгу мақсад, улуг ишларнинг рўёби сифатида гавдаланмоқда.

— Мустақилликнинг дастлаб-ки йилларидан давлатимиз раҳ-бари ободончилик ишларига раҳнамоллик қилар экан, бирин-чи навбатда шарқона кадрият-

**Шу азиз Ватан барчамизники, деган эзгу гоёга содиқ юртдошларимиз ўз меҳнати билан юртни обод ва гўзал қилишга бел боғла-ганлар. Амалга оширилаётган яна ўнлаб лойиҳалар ижросини таъминлашга зарур маблағ ва ресурсларни ўзлари топиб, имко-ниятларини ишга солиб замонавий иншоот-лар қуришмоқда.**

ларга уйғун шундай бозорлар, замонавий қиёфага мос йўл, кўприк, намунавий турар-жой бинолари, гузар ва хиёбонлар қурилиши, шаҳарларни ривож-лантириш ва ободонлаштириш-га алоҳида эътибор қаратган эди, - дейишади меҳнат фах-рийларидан Зарқайнар қишло-қлик Хайдаров ота Усаров, Олимжон ота Фойибназаров, қиятлик Ҳақберди ота Дехқонов, Оқтовуқ қишлоғидан Ориф ота Туманов ҳамда Акрамжон Эр-кабобовлар. — Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг қарори асосида Фарғона ва Қўқон шаҳарлари инфратузилмаси янгиланиб, шаҳар кўрига кўр бағишловчи замонавий, муҳ-тарид қилувчи, хўрандалар ва кечки сайрда яхна ичимликдан баҳраманд бўлаётган одамлар-га тўла.

Шу азиз Ватан барчамизни-ки, деган эзгу гоёга содиқ юрт-дошларимиз ўз меҳнати билан юртни обод ва гўзал қилишга бел боғлаганлар. Амалга оширилаётган яна ўнлаб лойи-ҳалар ижросини таъминлашга зарур маблағ ва ресурсларни ўзлари топиб, имкониятларини ишга солиб замонавий иншоот-лар қуришмоқда. Зеро, ўз тақ-дири, бахтини эркин ва обод Ватан билан боғлаган фидойи-лар бор экан, мамлакатимиз янада обод ва фарвон бўлиб боравереди.

Хар оқшом сайилгоҳда янграй-диган дилхуш мусиқа оханги, қўшиқлар сеҳри, оқ лайлақлар, товуснинг сирли қийқириги ҳар қандай чарчоғингизни тарқатиб юборади. Бу ерда нафақат бо-лалар ва ёшлар балки суқур келинчақлар, танти ва мард йи-ғитлару оқ шоху рўмол ташлаб олган фаршасимон онахон-лар, неваря, ўғил-қизлари би-лан оилавий истироҳатга кел-ган отахонларга ҳам кўзингиз тушади. Қай неҳрага нигоҳ таш-ламанг шодлигини кўрасиз!

Шу азиз Ватан барчамизни-ки, деган эзгу гоёга содиқ юрт-дошларимиз ўз меҳнати билан юртни обод ва гўзал қилишга бел боғлаганлар. Амалга оширилаётган яна ўнлаб лойи-ҳалар ижросини таъминлашга зарур маблағ ва ресурсларни ўзлари топиб, имкониятларини ишга солиб замонавий иншоот-лар қуришмоқда. Зеро, ўз тақ-дири, бахтини эркин ва обод Ватан билан боғлаган фидойи-лар бор экан, мамлакатимиз янада обод ва фарвон бўлиб боравереди.

**Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ,**  
журналист

## ● МУНОСАБАТ

### Илмий ва илмий-педагогик кадрлар

#### ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, истиқлол йил-ларида таълим соҳасига қара-тиллаётган алоҳида эътибор ту-файли истеъдодли ўғил-қизла-римиз нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки халқро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, юксак натижа-ларга эришмоқда.

Маълумки, юртимизда таъ-лим тизимини ислоҳ қилиш дав-лат сиёсатининг устувор йўна-лишларида бири сифатида белгиланди ҳамда бу каби мақ-сад ва вазифаларни амалга оширишнинг қонуний, ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Бош Қомусимиз, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда оид ёхуд таълим фаолияти билан боғлиқ бўлган, жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати-нинг асослари тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқлари-нинг кафолатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Бандлик тўғрисида"ги Қону-ларда билим олиш, фаолият юритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури жаҳон андоза-лари даражасида таълим му-ассасаларини барпо этиш, мав-жудларини реконструкция қи-лиш, капитал ва жорий таъ-мирлаш, уларнинг моддий тех-ника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув лаборатория ускуналари, компьютер тех-никаси билан таъминлаш имко-нини бермоқда.

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонунда мамла-катимизда ёшларни жисмонан бакуват қилиб воёга етказиш, спорт билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асоси белгиланди. Ёшлар учун замонавий спорт заллари, бассейнлар муҳайё этилиб, уларнинг ҳар томонла-ма баркамол бўлиб етишиши учун шароитлар яратилган. Ай-ниқса, "Умид ниҳоллари", "Бар-камол авлод" ва "Универсиа-да" уч босқичли тизим бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Унинг натижаларини спортчи-ларимизнинг халқро миқёсда эришаётган ютуқларида кўри-шимиз мумкин. Президентнинг "Олий мала-ка илмий ва илмий-педаго-гик кадрлар тайёрлаш ва аттес-тациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғри-сида"ги Фармонининг моҳияти айнан мустақиллик йилларида амалга оширилган таълим ти-зимидеги умумэтироф этил-ган ўзгаришларнинг узвий да-воми, таълим тизимини янада такомиллаштиришга бўлган навбатдаги эътибордир. Маз-кур Фармон олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, истеъдодли ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш-да дастуриямал бўлади, де-сак или аҳлининг дилидаги га-пни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, илмий кадрлар-ни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги фан номзоди ва фан доктори икки босқичли тизими иқтисодий ривожланган демок-ратик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замона-вий ва халқро тан олинган талабларига мос келмайди. Мазкур Фармонга мувофиқ олий малакали илмий ва ил-мий-педагогик кадрлар тайёр-лаш ва аттестациядан ўтказиш тизими жаҳон стандартларига мослаштирилмоқда.

Номзодлик диссертацияси-нинг мазмуни эса қўп ҳолларда

илмий аҳамиятсиз, илмий-ама-лий самарасиз, ишлаб чиқариш-га татбиқ этиш мумкин бўлма-ган, фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бўлган мавзулар бўлиб қолганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда олий таъ-лим тизими бакалаврият ва ма-гистратура стандартларига ўтказилгандан кейин номзодлик диссертацияларни ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча бўлиб қо-лмоқда. Докторлик диссертация-сини ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир бос-қичли тизимини жорий қилиш ишларининг илмий ва амалий аҳамияти ошади, илмий ижо-диёт билан шуғулланувчилар-нинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намойиш этиш им-конини беради. Шу мақсадда халқро талаблар ва стандар-ларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйи-ча олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизи-ми жорий этилмоқда.

Фармонда стажёр-тадқиқот-чи-изланувчилар институти бе-кор қилинмоқда. Бунда таълим олаётган шахслар эса янги та-лабларга мувофиқ аттестация-дан ўтказилди, диссертация тадқиқотлари мавзуларини тан-қидий қайта кўриб чиқиш асо-сида катта илмий ходим-изла-нувчилар институтига ўткази-лиши мўлжалланмоқда.

Катта илмий ходим-изланув-чилар институтига "магистр" даражасидаги олий маълумот-га, илмий ва илмий-педагогик (камида икки йиллик) фаолият стажига эга бўлган, шунинг-дек, фан номзоди илмий да-ражасига эга бўлган шахслар қабул қилиниши белгилан-ди кўйилмоқда. Фармонда бака-лавр даражаси билан олий маълумотга, муайян амалий иш стажига эга бўлган, ил-мий изланишларга лаёқати бўлган шахсларга ҳам доктор-лик диссертациясини ҳимоя қилишга руҳсат берилмоқда.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ташкиллаш-тириш, докторлик диссертация-ларига, шунингдек, илмий та-новларга қўйилгандан янги та-лаблар ишлаб чиқиш, уларнинг ошқоралигини таъминлаш фан ва илмий-техникавий ривожла-нишнинг муҳим омилдир. Ай-ниқса, илмнинг очкилик ва шаф-қофлигини таъминлаш, ортиқ-ча бюрократик жараёнларни йўқотишга қаратилган ислохот-лар илм аҳли учун ҳақиқий эн-гиллик ва ғамхўрликдир.

Мазкур Фармон Ўзбеки-стон "Миллий тикланиш" де-мократик партиясининг сай-ловолди Платформасида бел-гиланган фаннинг ривожла-ниши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий ме-зоонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда фан со-ҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг илмий зиё-лиларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш, таълим, фан соҳасини тартибга со-лувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилинишига, истеъдодли ижодкорларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватла-ниш ҳуқуқий ва амалий меха-низмларини такомиллашти-ришга қўмаклашиш бораси-даги вазифалар ижросини таъминлашда зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**  
**ЎЗМТДП фракцияси**  
**аъзоси**

## ● ЎЗМТДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШИДА

### Оила институти

КАДРИЯТЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ  
ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА



бошланғич партия ташкилоти жорий йилда Давлат дастури ижросига бағишланган 15 га яқин тадбир ўтказди. Қуйи бўғин аҳолига янада яқинроқ бўли-шида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, Хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фон-ди туман бўлими, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ҳамда "Хуросон" ма-ҳалла фуқаролар йиғини билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Саъй-ҳаракатлар натижасида бошланғич партия ташкилоти ўтган йил партия Марказий Кен-гаши томонидан ўтказилган "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" Республика кўрик-танловида учинчи ўрин-ни кўлга киритди. Маълумки, партия фаолияти-ни янада такомиллаштириш, электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг юртимиз-да амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдор-лик туйғусини кучайтиришда сиё-сий партиялар томонидан иш-лаб чиқилаётган лойиҳалар ало-ҳида ўрин тутди. Шу боис ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенга-ши партия сайловолди Платфор-масида қайд этилган шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чи-қиб, оила институти ва унинг кад-риятларини мустаҳкамлаш, ас-раб-авайлаш ҳамда келгуси ав-лодларга беками кўст етказишга

мустаҳкамлиги, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига эришиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фа-олигини ошириш ва электротар манфаатларини ҳимоялашда бар-ча партия ташкилотлари, жумла-дан, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, "Аёллар қано-ти", "Ёшлар қаноти" ва БПТлар муҳим ўрин тутди.

— Оила манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий, маъна-вий асосларини янада бойитиш, билимли, маънан ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга қўмаклашиш мақсадида турли тарғибот тадбирлари ўтказил-моқда, - дейди "Хуросон" МФЙда тузилган БПТ етакчиси Соҳиба Абдуллаева. — Қуйи бўғин томо-нидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратил-ди. "Репродуктив саломатлик: со-ғлом онадан — соғлом бола", "Она-лик ва болаликни муҳофаза қилиш — энг муҳим вазифа", "Оила — менинг фахрим", "Соғлом тарбия мустаҳкам оила гаровидир", "Мил-лий хўнарамчиликни қўллаб-қув-ватлаш ва бандлик муаммосини ҳал қилишнинг устувор масалала-ри" каби мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар ана шулар жумласидандир.

"Мустаҳкам оила йили" да оила

Телевидениемизнинг "Ҳамишлар" кўрсатувини анчадан бери томоша қилиб келаман. Пойтахтимизнинг олис ўтмиши, бузғини кўриб, маҳаллардаги қизгин ҳаёт, бунёдкорлик ишлари, турли касб ва тақдир эгалари тўғрисида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида бўлаётган ўзгаришлар, миллий ва маънавий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи бу кўрсатувнинг навбатдагиси тўй маросимларимиз, уларни ўтказиш билан боғлиқ айрим муаммоларга бағишланди. Маҳалладош кексалар, кўпни кўрган отахон, онахонларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, матбуотимиз бу муҳим мавзуга бежиз қайтмаётганини тушундим, ўзимда ҳам баъзи мулоҳазалар пайдо бўлди.

# Тўй — маъмурчилик белгиси, аммо...

Тўй — тўқчилик, маъмурчилик белгиси. Бу маросим одамларнинг ҳаётини, харид қувватининг даражасини, шу билан бирга — буниси жуда муҳим — маънавий-ахлоқий қадриятларнинг маъно-моҳиятини жуда аниқ кўрсатади. Яъни, байрамага, тўй-томошасига, ўйин-кулгусига қараб, у ёки бу мамлакатда одамлар қандай яшаётганини, миллатнинг турмуш тарзини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Одамлар оила қуриб яшашга ўрганишганидан бери, тўй деганлари такомил топиб келади: бири иккинчисига ўхшамайди. Жамият ривожлангани, турмуш тарзи яхшиланиши сари инсоннинг наинки иқтисодий, шу билан бирга, маънавий эҳтиёжлари ҳам ошиб боради. Тўй мисолида айтилган бўлса, маънавий эҳтиёж бунда ора-ҳавас, эл олдида дастурхон ёзиш нияти ("Бир тўй қилайки, одамларнинг оғзи очилиб қолсин, маҳаллада дув-дув га бўлсин...") тарзида намоеён бўлади.

Миллий урф-одат, миллий куй ёки халқ куйи деймиш. Халқ бир жойга атайин йиғилиб, "Қани, биродарлар, тўйбопаянги зўр бир урф-одат ўйлаб топаёйлик ёки тўйда ижро этиладиган янги куй яратайлик" дейди. Миллий урф-одатлар йиллар, даврлар давомида шаклланади, йиллар ва даврлар элагидан ўтади. Шундай экан, миллий урф-одат яратувчи халқнинг бир вакили сифатида, зиммасидаги бу вазифага ўта жиддий масъулият билан ёндашганимиз маркувд. Бундай қилмасак, тўйларимиз тобора мураккаблашиб бораверади. Умримизнинг катта бир қисми тўй ташвишлари билан ўтади. Бир бойича ўйлаб топган кўнгулхушлик эртага "анъана"га айланиб, турмуш тарзи ўртача бўлган бошқа бир кишининг кўнгулини яримта қилиб қўйиши мумкин.

Тўй маросимларимиз ҳақида қаерда ва қай тарзда гап бошланмасин, кўпчилик: "Топарман-тутарманлар жуда ошириб юборишяпти, исрофгарчиликни айтмайсишми, бировда бор, бировда йўқ, ихчамлаштирмасан бўлмайди", дейди. Бу гапга ҳеч қанча эътироз билдирмайди. Катта ҳам, кичик ҳам, тўй қўрган ҳам, кўрмаган ҳам оёқни кўрпага, маҳаллага, эл-юртга қараб узатиш, сохта, бунинг устига маъно-матрасиз "удум"ларни қисқартириш, бир қунилик "обру" деб, қарзга ботмаслик, ноқулай аҳволга тушмаслик тарафдори. Ортиқча чиқимга ҳеч қимнинг тоқати йўқ. Бирок, амалий ишга келганда, бутунлай бошқача манзарага дуч келамиз. "Қани, бу ишни қимдан бошлаймиш?" дейилса, бас, кўпчилик ўзини четга олади.

Шунинг ўзи бўлсагина, қанийди. Тўйларни ихчамлаштириш ҳаракатлари, баъзи ҳолларда қўрилган эмас, қўрилган натижани беради. Таҳририятга келган мактублардан бирида ўқиганим: "Матбуот, телевидение тўйларимиздаги ортиқча удумларни танқид қилиб, тўй иш қилишмоқда. Аммо қишлоқларимиздаги ёшларнинг кўпи шаҳар тўйларидан урф бўлаётган баъзи номақбул удумларни аниқ шу кўрсатув ва мақолалар орқали билиб олишяпти. "Шаҳарда тўйлар мана бундай ўтар экан, нима, биз бунга арзимаймишми?" деган фикр келди-да хаёлларида..."

Ўйлаб қўришга арзишли мулоҳаза. Санъаткор аёлларимизнинг маҳоратига тасанно. Улар тўй мавзусини, тўйбоп аёллар, ора-ҳавасли оналар, қаттиққўл қайноналар образини жуда қўйиллатиб ижро этишди. "Қир тоғоранинг қирқ ногораси" сериалини эсланг. Ҳаммаси — бошдан-оёқ ҳаёт, таъсирчан, ўзини ҳам неча бор дуч келган лавҳалар. Ибратли жойлари кўп. Тушунган одам ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Аммо...

Шу сериалнинг бир жойида тўйбоп аёллардан бири қанда томондан юборилган тоғораларни санаб, даҳшатли бир "факт"

ни аниқлайди — тоғораларнинг сони жуфт эмас, тоқ. Тўй бузилишига сал қолади, қудалар ўртасига совуқчилик тушади. Юқорида келтирилган мактубнинг давоми: "Биз томонларда тоғоранинг қанча бўлишига унча эътибор беришмасди. Шу сериални кўришдию, ҳамма (хатто эркаклар ҳам!) тоғора санайдиган бўлиб қолди. Битта тўйда нақд жанжал чиқаёзди..."

Гап фақат шу сериал устида бораётгани йўқ. Баъзан қўш қўйман деб, кўз чиқаришда. Агар биз шаҳардаги тўйларда келин ва кўевнинг болалиги қандай ўтгани, қайси боғчага боришгани, мактабда қандай ўқишгани, қаерларда дам олишгани, шахсий қизиқишлари ҳақида тўйларимизда намойиш этила бошлашгани (янги удум) ҳужжатли фильмлар тўғрисида қанча кино қилмайлик, бу тўғрида қанча кўп ёзмайлик, барибир, бу кўнчақлигимизнинг бир чеккаси рекламага бориб талақлади. Келин-кўевнинг никоҳ базмида вальсга тушиши, келин боши узра ошириб, келинлик онларни кутаётган қизларга гулдаста отиши, никоҳ оқшомидан кейин тунги сайрга чиқиш ва ҳоказолар ҳақидаги танқидларимиз ҳам худди шундай — маълум маънода бу ортиқчиликларни тарғиб қилган бўламиз. Яъни яширин реклама!

Демак, биргина танқиднинг ўзи билан иш битмайди. Бошқача йўл тутиш керак.

Тўйдаги ортиқча чиранишлардан бири — никоҳ базмидаги номдор санъаткорларни тақлиф қилиш. Номдор бўлганидан кейин, "Қани тўйга марҳамат" деганга, анча-мунча сарф-харажат билан келин-кўевнинг никоҳи висол оқшоми иштирокчилари кўз ўнгида, ота-оналар, дўст-қадрдонлар гувоҳлигида расмийлаштирилади. Уз вақтида бу янги одатни ҳаммамиз қўллаб-қувватлаганимиз. Аммо... бир тўйда адибли вазирилик номидан никоҳни расман қайд этган ва уларга оила ва никоҳ масалаларида зарур маслаҳатлар берган мудирга қараб, устоз Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур қаҳрамони Қаландаров каби, кўнгулда: "Бу никоҳ сингличамиз турмушга чиққанга ўзи", деган кичик бир иштибоҳ пайдо бўлди. Чунки, чумқў сўйса ҳам қасб сўйсин деганларидек, ёш мудирнинг "маслаҳатлари" кўпчилиги қониқтирмади. Чунки улар жуда жўн, умумий, шунчаки ёдлаб олинган, ҳамма тўйларда бир хилда такрорланадиган хисси, кўнгулда бирор тўйга уйғотмайди қуруқ гаплар эди. Шу боис, никоҳни қайд этиш маросимини маҳалларимизда умргузаронлик қилаётган, оила қурганларига қирқ, эллик, олтимиш йил бўлган, ували-жували, ҳар жиҳатдан обрў-эътиборли, фарзандлари тарбияли, ўқимишли, касб-хунарий отахон-онахонлар иштирокида ўтказиш, уларнинг вафо ва садоқатини, турмуш синовларига бардошини ёшларга намуна, ибрат қилиб кўрсатиш, шу билан бирга, улардан фотиҳа олиш керак эмасмикин, деган гапни аста ўртага ташладим. Бироз эътибор берди, биров бермади. Шу тақлифни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Балким, бу гап қимидир қизиқтириб қолар...

Мен эса яна ният қиламан — саховатпеша тadbиркорларимиз тўйхоналар билан бирга маҳалларда, мавзёларда нурухона, зиёхона, қироатхоналар ҳам қуришса, уларни илмий-техникавий, адабий-бадиий, маънавий-ахлоқий адабиётлар, қундалик нашрлар билан тўлдиришса, қандак яхши. Бу ишни муҳтарам Президентимиз бошлаб берди — дунёнинг ўта ривожланган, ҳар ишга қодир мамлакатлари иқтисодиёти молиявий инқироз оқибатларида дуч келиб турган бир пайтда. Ўзбекистонда улкан ва маҳобатли зиё маскани барпо этилди. Бу бинодан тарала бошлаган зиё буюк келажак сари йўлимизни янада нурафшон этиши шубҳасиз.

**М. АҲМАДЖОНОВ**

бир ҳаёлда турган ота-оналар ўртага чиқиб, "Дилхирож"га рақс тушишлари керак. Аммо рақсга тушишнинг мутлақо иложи йўқ, машҳур раққос ёки раққосса бўлсангиз ҳам қўлингизни кўтаришга изн беришмайди, ховучингизни очиб турсангиз бас, сабабки, "ҳурмат" юзасидан сизга пул қистириш, аниқроғи, "бирров"га келган санъаткор учун маблағ йиғиш "операцияси" бошланади. Кистирувчилар қанча кўп бўлса, муҳтарам қудаларни қанча кўп ўраб олишса, номдор санъаткорнинг нозик топшириқлар бўйича махсус вакили қудаларнинг ховучини тез-тез бўшатиб турса, "нобуд" гарчиликка йўл қўймади, тўйнинг нуфузи шунча ошади.

Бу "одат" шу қадар тез оммалашмоқдаки, эндиликда базм тўғрисида ўтирган келин-кўевлар ҳам рақсга тушиш учун ўртага чиққан ота-оналарига, яқин қариндошларига пул қистиришмоқда. Ҳали юзи очилганга келин боланинг ҳали дурустроқ танишиб улгурмаган қайнонаси ёки қайнонасига пул узатишини тасаввур қиласизми? Йўқ, тасаввур қилмайсиз, аниқроғи, тасаввур қила олмайсиз. Чунки бу пайтда ҳаммамиз ўртада нималар бўлаётганига беларво, навбатдаги таомни паққос тушираётган бўламиз.

Тўй ҳақида жуда кўп ёзилади, мен ҳам анча мунча қоғоз қоралаганман, аниқроғи "Тўйлар ҳақида йўлар" рўқни остида туркума мақолалар ёзганман. Шу мақолаларимдан бирини аввалига "ЗАГС мудираси ЗАГСдан ўтганими?" деб номлаганим ёдимда. Бунинг боиси, кўпгина тўйларимизда келин-кўевнинг никоҳи висол оқшоми иштирокчилари кўз ўнгида, ота-оналар, дўст-қадрдонлар гувоҳлигида расмийлаштирилади. Уз вақтида бу янги одатни ҳаммамиз қўллаб-қувватлаганимиз. Аммо... бир тўйда адибли вазирилик номидан никоҳни расман қайд этган ва уларга оила ва никоҳ масалаларида зарур маслаҳатлар берган мудирга қараб, устоз Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур қаҳрамони Қаландаров каби, кўнгулда: "Бу никоҳ сингличамиз турмушга чиққанга ўзи", деган кичик бир иштибоҳ пайдо бўлди. Чунки, чумқў сўйса ҳам қасб сўйсин деганларидек, ёш мудирнинг "маслаҳатлари" кўпчилиги қониқтирмади. Чунки улар жуда жўн, умумий, шунчаки ёдлаб олинган, ҳамма тўйларда бир хилда такрорланадиган хисси, кўнгулда бирор тўйга уйғотмайди қуруқ гаплар эди. Шу боис, никоҳни қайд этиш маросимини маҳалларимизда умргузаронлик қилаётган, оила қурганларига қирқ, эллик, олтимиш йил бўлган, ували-жували, ҳар жиҳатдан обрў-эътиборли, фарзандлари тарбияли, ўқимишли, касб-хунарий отахон-онахонлар иштирокида ўтказиш, уларнинг вафо ва садоқатини, турмуш синовларига бардошини ёшларга намуна, ибрат қилиб кўрсатиш, шу билан бирга, улардан фотиҳа олиш керак эмасмикин, деган гапни аста ўртага ташладим. Бироз эътибор берди, биров бермади. Шу тақлифни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Балким, бу гап қимидир қизиқтириб қолар...

Мен эса яна ният қиламан — саховатпеша тadbиркорларимиз тўйхоналар билан бирга маҳалларда, мавзёларда нурухона, зиёхона, қироатхоналар ҳам қуришса, уларни илмий-техникавий, адабий-бадиий, маънавий-ахлоқий адабиётлар, қундалик нашрлар билан тўлдиришса, қандак яхши. Бу ишни муҳтарам Президентимиз бошлаб берди — дунёнинг ўта ривожланган, ҳар ишга қодир мамлакатлари иқтисодиёти молиявий инқироз оқибатларида дуч келиб турган бир пайтда. Ўзбекистонда улкан ва маҳобатли зиё маскани барпо этилди. Бу бинодан тарала бошлаган зиё буюк келажак сари йўлимизни янада нурафшон этиши шубҳасиз.

**М. АҲМАДЖОНОВ**



Ёқуб ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) пайди сурат

## Бебаҳо хазина

**ЯХШИ ЧИНОБ — БЕБАҲО ХАЗИНА, ИШОНЧЛИ ДЎСТ. КИТОБ ИНСОННИНГ МАЪНАВИЯТИНИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ДУНЁҚАРАШИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ТАФАККУРИНИ ЧАРХЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ**

*Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, айниқса ёшларни турли мафкуравий таҳдидлар, миллий ҳаёт тарзига зид ва ёт ғоялар, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.*

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун янги, мухташам бинонинг бунёд этилгани китобхонлар, таълим, маънавият ва маърифат фидойилари, талаба-ёшлар, бутун халқимиз учун қанчалар соғина бўлди. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларидаги ахборот-кутубхона муассасалари, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини давр билан ҳамоҳоз тарзда тақомиллаштириш, мавжуд китоб фондларини асраб-авайлаш, янада бойитиш юзасидан изчил ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган "Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондини тизимли қўлайитириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ушбу ҳужжат юртимиздаги етакчи маърифат маскани — Миллий кутубхонадаги нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни, босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарларини, қўлёзма ва графика ҳужжатлар, шунингдек, алоҳида сақланаётган ҳамда

тарихий, илмий, бадиий ва маданий қимматга эга ноёб нашрларни тизимли сақлашни таъминлашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ғоят катта ва қимматли манбаларни ўзида жамлаган етакчи зиё муассасаларидан, - дейди кутубхонанинг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими раҳбари Зухриддин Исомиддинов. — Жаҳон андошлари талабларига жавоб берувчи, барча қўлайлик ва шароитларга эга бинонинг барпо этилгани Миллий кутубхонаимизнинг нуфузи ва мавқеини янада юксалтирди.

Она-диёримизда азал-азалдан буюк алломалар яшаб, ижод қилгани, улар томонидан қўллаб-қўлланган маърифий асарлар яратилгани, шунингдек, ушбу ҳудуднинг "Буюк ипак йўли" чорраҳасида жойлашгани боис ҳам диёримиз нодир манбалар, қимматли асарларга бой. Бундай ноёб китоблар айрим ҳажмдорларимиз хонадонларида ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори моҳир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни, босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарларини, қўлёзма ва графика ҳужжатлар, шунингдек, алоҳида сақланаётган ҳамда

даги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Нодир адабиётлар учун ташкил этилган махсус сақлов омборхонаси энг замонавий техник жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган. Бу эса қимматли китобларни туну кун сақлашда зарур тоза ҳаво, салқин ҳарорат, намлик, ёруғлиқни таъминлаш, махсус датчиклар ёрдамида умумий ҳолатни назорат этишда жуда муҳим. Китоб муқоваси, саҳифаларнинг букилиши адабиётларга зарар етиши, ёзувларнинг хиралашishi, ўчишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир китобни алоҳида горизонтал ҳолда сақлашга жиддий эътибор қаратилади. Маърифат масканидаги барча жараёнларнинг компьютерлаштирилгани, бу соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларининг жадал жорий этилаётгани, юқори малакали, хорижий тилларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан бохабар мутахассисларнинг ишлаётгани ўқувчи учун зарур адабиётни тез, осон топиш, улардан унумли фойдаланиш имконини бераётди.

Ҳозир кутубхонада нодир китобларни таъмирлаш, консервация ва реставрация қилиш хизмати ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Қимматли адабиётлар таъмирлашни билган бирга улар электрон форматга ҳам ўтказилади. Китобхонларга манбаларнинг зарур саҳифаларидан ксеронусха олиб бериш кенг жорий этилади.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, бебаҳо меросимизни сақлаш, авайлаш, ўрганиш, ёшларнинг мутолаа маданиятини ошириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

**Назokat УСМОНОВА,**  
*Тўй маросими*

**Шу йилнинг 10 август кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида лапар ва ўлан ижрочиларининг Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтади.**

## ● МЕРOS Халқ ижодиёти тантанаси

Маълумки, халқ ижодиётининг қадимий жанрлари — ўлан ва лапар ижрочилиги санъати узок ва бой тарихга эга. Ҳазил-мутойиба, халқнинг ора-ҳаваслари акс этган ўлан ва лапарларимиз таниқли санъаткорлар ва хаваскор ижрочилар томонидан турли байрам, халқ сайлавий, адабий-бадиий, маънавий-ахлоқий адабиётлар, қундалик нашрлар билан тўлдиришса, қандак яхши. Бу ишни муҳтарам Президентимиз бошлаб берди — дунёнинг ўта ривожланган, ҳар ишга қодир мамлакатлари иқтисодиёти молиявий инқироз оқибатларида дуч келиб турган бир пайтда. Ўзбекистонда улкан ва маҳобатли зиё маскани барпо этилди. Бу бинодан тарала бошлаган зиё буюк келажак сари йўлимизни янада нурафшон этиши шубҳасиз.

**М. АҲМАДЖОНОВ**

диққон Ҳасанов, Тошкент вилояти Ангреш шаҳридан Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида 2004 йилдан буён "Лапар ва ўлан ижрочиларининг анъанавий республика кўрик-фестивали" ўтказиб келинмоқда.

Айни пайтда фестивалнинг вилоят босқичларига яқун ясалди. Эндиги навбат фестивалнинг республика босқичи. Кўрик-фестиваль яна бир бора юртимизда фаолият олиб бораётган лапар ва ўлан ижрочилари ўзaro беллашадилар. Лапар ижрочилигида оммалашган лапарлар ва худудга хос бўлган қадимий ҳамда замондош муаллифлар томонидан яратилган лапарлар ижро этилади. Ўлан ижрочилари эса ўз худудларида хос бўлган қадимий ўлан ва замонавий ҳазил-мутойибага асосланган айтишувларни ижро этиши керак.

**Мухтасарон КАРИМОВА**

диққон Ҳасанов, Тошкент вилояти Ангреш шаҳридан Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида 2004 йилдан буён "Лапар ва ўлан ижрочиларининг анъанавий республика кўрик-фестивали" ўтказиб келинмоқда.

Айни пайтда фестивалнинг вилоят босқичларига яқун ясалди. Эндиги навбат фестивалнинг республика босқичи. Кўрик-фестиваль яна бир бора юртимизда фаолият олиб бораётган лапар ва ўлан ижрочилари ўзaro беллашадилар. Лапар ижрочилигида оммалашган лапарлар ва худудга хос бўлган қадимий ҳамда замондош муаллифлар томонидан яратилган лапарлар ижро этилади. Ўлан ижрочилари эса ўз худудларида хос бўлган қадимий ўлан ва замонавий ҳазил-мутойибага асосланган айтишувларни ижро этиши керак.

**Мухтасарон КАРИМОВА**



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ● БИЗНИНГ ШАРҲ

### Иқлимнинг янги “либоси”

**ЕВРОПАДАГИ АЙРИМ ДАВЛАТЛАР ИҚЛИМ ЎЗГАРИБ, МУЗЛИКЛАР ЭРИЁТГАНИ ТУФАЙЛИ ЧЕГАРАЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚМОҚДА**



*Европа сайёрамиздаги энг катта қитъалардан бири бўлиб, ҳудуднинг аксарият қисми ўртача кенгликларда жойлашган. Бу ерда Арктика, субарктика, мўътадил ва субтропик иқлим ҳукмрон. Глобал иқлим ўзгариши оқибатида, бошқача айтганда, инсоният томонидан табиатни забт этишига қаратилган хатти-ҳаракатлар минтақани ҳам четлаб ўтмади.*

Бундан 10-20 йиллар аввал Европадаги музликларнинг умумий майдони 116 минг км. кв.ни ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар бир неча мингга қисқарган. Айни пайтда минтақада энг йирик музликлар Шпицберген (қарийб 60 км. кв.), Янги Зеландия, Франц-Иосиф Ери, Исландия ва Скандинавия тоғларида жойлашган. Ҳар йили минглаб сайёҳлар қитъадаги Альп тоғлари, Урал шимоли ёки Пиренея, Сьерра-Невада тоғларидаги улкан музликлар, табиатнинг нозик қўллари билан “ясалган” қояларни томоша қилишди, тоза ҳаводан баҳраманд бўлишди. Ўтган йиллар давомида ҳароратнинг бирмунча кўтарилиши қитъа ландшафтига ўз таъсирини ўтказиб, ҳудудларнинг минг йиллардан буюн ястаниб ётган қорлари эриб, табиатнинг ўзгаришига сабаб бўлаётди.

Кўпчиликнинг хавотирига сабаб бўлаётган глобал иқлим ўзгариши оқибатлари, айниқса, Европа Фарбида яққол сезилмоқда. Ўтган қарийб 10 йил давомида шимолий Италияда ҳарорат бошқа минтақаларга нисбатан тез суратда кўтарилиб бораётгани чегаралардаги музликнинг эришига олиб келмоқда. Жорий йилдаги иссиқ ҳам аввалгиларидан қолишаётгани йўқ. Табиийки, баланд-баланд қоялардаги қор ва музликлар ҳам эриб, Италия ва Швейцариянинг музликлардан иборат чегараларининг қисқаришига олиб келаётди.

Европа жанубидаги Италия территорияси Альп тоғларининг фарбий, жанубий ён бағирлари, Падан текислиги, Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ороллари ва бошқа кичик ороллари ўз ичига олади. Мамлакат шимолида Альп тоғлари жойлашган бўлиб, водийларида 15 дан ортқ йирик музлик ястаниб ётибди. Кузатувчиларнинг фикрича, айни пайтда ҳароратнинг иссиши ушбу музликларнинг эришига сабаб бўлаётди. Италиянинг энг баланд нуқтаси фарбий Альп тоғларидаги Монблан чўққиси бўлиб, 4807 метрдан иборат. Шарқий томонда эса Ортлес тоғи бўлиб (3900 м.), унинг ҳам музликлари аста-секин камайиб бораётгани кузатишмоқда. Минтақадаги бошқа давлатлар — Австрия ва Франция ҳам аллақачон бепоён оппоқ ҳудудлардаги чегараларни қайта кўриб чиқмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Европа учун бугунги иқлим ўзгаришининг таъсири ҳақиқатан ташвишли. Биринчидан, қорларнинг эриши айрим чегараларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Иккинчидан, минтақанинг қарийб барча томони денгиз ва океанлар билан ўралган. Қорларнинг эриб, ёнғинчиликларнинг кўпайиши эса сув сатҳининг кўтарилишига олиб келиши мумкин.


Олимларнинг айтишича, келгусидаги энг катта ҳавф — бу океанлардаги сув сатҳининг кўтарилишидир. БМТ тарқатган маълумотларга қараганда, 2100 йилда океанларда 60 сантиметрлик сув сатҳи кўтарилиши кўрилади. Бошқа аксарият иқлимшунос мутахассислар эса уммонлардаги сувнинг “ўсиши”га, асосан, икки ҳолат сабаб бўлиши мумкин, дейишмоқда. Биринчидан, бу — глобал иссиқликнинг таъсирида океанлардаги ўртача ҳароратнинг кўтарилиши ҳолати. Антиклинаторларда, сўнгги 40 йилда океанлардаги ҳароратнинг орттиши кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Иккинчи ҳолат куруқликдаги музликларнинг эриши билан боғлиқ. Олимларнинг фикрича кўра, куруқликда жойлашган музликлар нисбатан тез эриб кетмоқда. Улар бу борада, асосан, Гренландия ва Антарктидадаги муз қояларнинг йўқолиб бораётганига ургу берилган. Ваҳоланки, Испания тоғларидаги қорларнинг 90 фоиздан орттиги аллақачон эриб бўлди. Тўғри, экспертларнинг бугун айнан Антарктида ва Гренландияни кўпроқ ўрганишларига ўзига хос сабаб бор. Боисики, ҳозир кутбдаги музликлар кутилганидан жуда тез тугаб бораётди. Гренландияда эса сайёрамиздаги музликларнинг 10 фоизи (2,5 миллион километр куб) мавжуд бўлиб, улар йилига ўртача 200-300 километр куб атрофида қисқармоқда. Ҳисоб-китобларга кўра,

агар Гренландиядаги музлар эриса, океандаги сув сатҳи 7 метргача кўтарилиши мумкин. Маълумотларга кўра, Франция, Испанияда ҳаво ҳарорати қарийб +45-50 градусгача кўтарилган. Ҳар икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудлари, Италия, Грецияда ўрмон ёнғинлари кузатишмоқда. Бу йилги ёз Швецияда сўнгги 200 йил мобайнида энг серёгин мавсум бўлди. Мамлакат аҳолиси ёмғир, жала ёлмаган кунни эслолмайди. Европанинг жанубий ҳудудлари Хорватия, Рим ва Венецияда ёққан тинимсиз ёмғирлар бир неча шаҳарларни вайрон қилган. Венгрияда атиги бир неча соат ичида ҳаво ҳарорати 20-25 даражача тушиб кетган. Кўҳна қитъада жазирама иссиқ, ҳароратнинг тушиб кетиши ёки тинимсиз ёмғирлардан азият чеканлар мингдан ошган бўлса, табиий офатдан ҳалок бўлганлар сони 200 нафардан ошган. Кузатувчиларнинг айтишича, иқлим ўзгариши туфайли минтақада ўпирилишлар, дарёлар ўз йўналишини ўзгартираётгани, қоялар қулаши оқибатида янги шаршаралар пайдо бўлмоқда. Иқлимнинг янги “либос” кийиши ландшафтларнинг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Харажатлар қисқартирилади

**Италиянинг ўнга яқин шаҳри молиявий инкнрозни бошида кечирмоқда.** Айни пайтда молиявий аҳоли ёмонлашган Неаполь, Режодандрия каби шаҳарлар бюджетни танг ҳолатда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳатто мажбур шаҳарлардаги мактаблар ёзги таътилдан сўнг ҳам ёпиқлиги қилиб қолмоқда. Италия ҳукумати томонидан амалга оширилаётган дастурга кўра, харажатларни қисқартириш бошланади. Кўпглаб давлат ташкилотларида 20 фоиз ишчи ўрни қисқартирилиши кутилмоқда. Бундай чора орқали мамлакат 2012-2014 йилларда 26 миллиард евро миқдоридagi маблағни тежашни режалаштирган.



## Ўттиз йил ичида

**Хитой мамлакатни ўрмонлаштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.** Хабарларга қараганда, мамлакатда сўнгги ўттиз йил ичида қарийб 59 миллиард дона даррахт кўчати экилган. 2011 йилда Хитойда 12 миллиард 700 миллион дона даррахт кўчати ўтказилган. Мамлакат ҳукумати томонидан 2022 йилга бориб бу ишга 500 миллион кишини жалб этиб, яна 26 миллиард дона кўчат экиш режалаштирилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Хитой ўрмонларининг умумий майдони 195 миллион гектарга тенг.



## “Nokia”га талаб қандай?

**Жорий йилнинг олти ойида Финляндиянинг мобил телефонлар ишлаб чиқариш ҳахтисослашган “Nokia” компаниясида ишлаб чиқариш жиғи 19, махсулот сотиш ҳажми эса 34 фоиз камайган.** Экспертларнинг фикрича, бу жаҳонда давом этаётган молиявий танглик туфайли компания махсулотлари бўлган талабнинг пасайиши билан боғлиқ. Хабарларга қараганда, компания расмийлари 2013 йилнинг охирига бориб ўн мингдан зиёд ходимни ишдан бўшатилиши режалаштирмоқда. Эслатиб ўтамиз, “Nokia” мобил телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.



## Меъёрни сақлаш керак

**Тайванда 40 соат интернетда ўйин ўйнаган 18 ёшли ўспирин оламдан ўтган.** Мутахассисларнинг компьютер қаршида ҳаддан зиёд кўп ўтириш соғлиқ учун хавфли экани ва инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши борасида фикрлари тайванлик ўспирин мисолида яна бир марта намоён бўлди. Хабарларга кўра, Чуанг исми бу йигит ўйинга шу қадар берилиб кетганки, ҳатто овқатлини, ухлагани ҳам унутган. Оқибатда 40 соатлик бетўхтов ўйиндан сўнг ҳушини йўқотган. Шифохонага келтирилган Чуанг кўп ўтмай ҳаётдан қўз юмган. Мутахассисларнинг фикрича, бу борада меъёрни сақлашни назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди


## ● РАНГИН ДУНЁ

**Шарқий Осиёда жойлашган қадимий ва бой тарихга эга Хитой нафақат ўзининг кўҳна осори-атиқалари, буддавийлик ибодатхоналарини ҳайкалтарошлик намуналари, балки замонавий бино ва иншоотлари билан ҳам сайёҳлар эътиборини торттиб келмоқда. Бироқ, булар орасида шундай бир иншоот борки, у халқ рамзи ҳисобланади. Бу — Буюк Хитой деворидир.**

Буюк Хитой девори жумбоқларга тўла ажойиб ва тақорланмас меъморий ечимга эга. Хитойликлар тили билан айтганда “узун девор” мамлакатнинг шимоли бўйлаб қўзилган бўлиб, узунлиги 2450 км., барча ўнқир-чўнқирлари билан ҳисоблаганда эса тахминан 5000 км.ни ташкил қилади. Улкан девор қурилиши эра-мизга қадар IV-III асрларда бошланган. Хитойни ягона давлатга бирлаштирган биринчи император Цин Шихуанди мамлакатнинг барча ҳимоя деворларини бир-бирига улаб, ягона девор барпо этишни буюради. Ҳозирда кенг (5-8 метр) ва баланд (10 метр атрофида) девор қурилиши Шанхайгуань шаҳридан бошланиб, у ердан улкан аждар мисоли қир-адирлар бўйлаб фарбга, Шаньси ва Шэн-

си провинциялари орқали қўзилган девор марказий Хитой, Гоби чўли чегарасида жойлашган Цзяюйгуань шаҳрига келганда поёнига етади. Цинь сулоласи ҳукмронлиги даврида деворнинг асосий қисми қуриб бўлинади. Бироқ, император Шихуанди ўлимидан сўнг иншоот қурилиши тўхтаб қолади. Хань сулоласи даврида (эра-мизга қадар 206-220 й.й.) девор қайта таъмирланиб, унинг яна 100 километри қурилади. Шундан сўнг, иншоот яна бир неча йиллар мобайнида тез-тез таъмирлаб турилган. Ҳозирги ҳолати кўринишига Буюк Хитой девори Мин сулоласи (1368-1644 й.й.) даврида эга бўлди. Уша йиллари деворнинг аксарият қисми қайта қурилди, лой деворлар гишт ва тошлардан қурилди.

# Осмон остидаги мўъжиза



**Хитой Халқ Республикаси. Пойтахти Пекин. Ҳудуди 9597000 кв.км. Аҳолиси 1 млрд.дан зиёд.**

Бундай маҳобатли девор қурилишида миллионлаб одамлар иштирок этган. Уни кўтаришда нафақат қул ва дехқон-

ган девор қуриш бўлган-да. Қолаверса, ўша даврларда императорга хизмат қилиш оддий халқ учун олий бурч саналган. Албатта, улкан деворни қуриш осон кечмаган. Буюк Хитой девори қурилишида бир неча миллион киши қурбон бўлган. Узоқ жойлардан қурилиш ашёларини ташиб ўтирма-лик мақсадида ўша жойнинг ўзида мавжуд материаллардан фойдаланилган. Масалан, Пекин шаҳри атрофидаги девор оҳақтошдан, айрим жойларда қаҳрабо ёки пишиқ гиштдан фойдаланилган. Энг қизиғи, тош блокларни цементлашда гуруч суви ва туҳум оқидан тайёрланган аралашма иш-

латилган. Дашт ва чўл зоналарида эса қурилиш ашёси сифатида тупроқ қотишмаси ва ёғоч қўлланилган.

Буюк Хитой деворининг дунё сайёҳлари учун очқ учта қисми Пекин шаҳридан ўтган. “Шимолий ўти йўли” — Цзюйюань кўпчиликка Бадалин номи билан ҳам машҳур. Қачонлардир деворнинг ушбу қисми шаҳарни душмандан ҳимоя қилган. Ушбу девор ортда турган минглаб аскарлар пойтахтни қўриқлаган. Девор тош ва гиштдан қурилган бўлиб, баландлиги 7,8 метрни, эни 5 метрни ташкил қилади. “Мин” девори ҳам ўзининг маҳобати билан кишини ҳайратга сола олади. Асосан йирик зинапоялардан иборат деворнинг узунлиги 11 км., баландлиги 5-8 метрга боради. Деворнинг яна бир эътиборга молик қисми Шанхайгуань тоғидан ўтади. Бу ерда Буюк Хитой деворининг ягона кўприк кўринишидаги қисми қурилган. Сун сулоласи даврида бу ерда Мэн Цзянг-Ну ибодатхонаси қурилгани боис, Шанхайгуань “Буюк Хитой девори”нинг музейи саналади.

“Узун девор” ўзига хос, антиқа бир усулда қурилган. Тун кириши билан қуриқчи минораларда (улар 67 та бўлган ва ҳар бири деворларга яқин жойда қурилган) аскарлар катта гулхан ёқилган. Бирор бир хавф сезилгудек бўлса, гулханлар тезда ўчирилган. Бу ўзига хос оғоҳлантириш белгиси бўлиб, девор ортда турган аскарларга ҳимояга тайёр туриш кераклигини аниқлаган. Одатда, гулхан ёқиш усули бошқа халқларда хавф-хатардан дарак беради. Бироқ, нима учундир хитойликлар бунинг тамоми аниқлаб қилишган. Бугунги кунда Буюк Хитой деворининг фарбий қисмига ўзининг дастлабки кўринишини сақлаб қолган. Шарқий қисмидаги деворларнинг каттагина қисми аллақачон вайронага айланиб бўлган. Айрим жойлар эса бутунлай текисланиб, асфальт йўллар ётқизилмоқда. Маҳаллий аҳоли девор қолдиқларидан қурилиш ашёси сифатида уй қуришда фойдаланишарди. Шу боис, ҳозирда деворнинг бут қисми давлат ҳимоясига олиниб, қўриқланмоқда. Ҳатто, деворнинг кам қисмига махсус сайёҳлик йўналишлари очилди. Ахир, Буюк Хитой девори мамлакат тарихидан сўзлайди. Бу заминга келган сайёҳ, табиийки, энг аввало, ушбу мўъжизани кўришдан бошлайди.

# НИГОХ

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### Ягонасан, муқаддас Ватан!

Пойтахтимизда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги якуний босқичи ҳамда Умумармия кўшиқлар фестивали бўлиб ўтди.

Харбий ватанпарварлик, саф кўшиқлари ва эстрада йўналишларида Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, захирадаги подполковник Марат Ҳақимов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Обид Йўлдошев ҳамда Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Фолиблар "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди.

### Биз буюк юрт фарзандларимиз

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида фестиваль ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, Хотинқизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкиллаштирилган маданий тадбирда пойтахтдан ташриф буюрган театр актёрлари, эстрада хонандалари, "Шод" ва "Маржон" гуруҳининг чиқишлари даврага янада файз бағишлади. Мазкур фестивалда 500 зиёд томошабин иштирок этди.

### Огоҳлик масъулияти

Фаргона вилоят Боғдод туманида вояга етмаган ёшлар ўртасида "Огоҳлик масъулияти" мавзусида суҳбат ташкил этилди.

Суҳбатда туман ички ишлар профилактика инспектори Ф.Раҳимов сўзга чиқиб, қишлоқ ёшларининг тарбиясига бефарқ қарамаслик, уларнинг бўш вақтини фойдали ишларга сарфлаш, турли хил тўғаракларга жалб этиш, касб-хунар ўрганишга шароит яратиш зарурлиги ҳақида тўхтади. Бекорчилик турли хил кўнгилсизликларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди. Суҳбат давомида туман ҳаваскорлари ижросида қончерт дастури намойиш этилди.

Мухтасархон КАРИМОВА

## КАДРИЯТЛАРИМИЗ



## Миллий ўйинлар

### ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ўзбек халқ ўйинлари азалдан ажодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозлаб келинади. Аксарият ўйинларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитиб, онгу тафакқури ва ҳис-туйғуларини теранлаштириб келган. Улар турли даврлар руҳдан таъсирланиб, мазмунан шаклланиб, гоҳ яшнаб, яшариб, гоҳ таназзул томон юз тутиб, яна қанчадан-қанча тарих синовларида дош бериб, бизнинг ойдин кунларимизга етиб келган.

Халқ маданиятининг энг қадимий кўриниши бўлган ўйинларда инсоннинг турмуши, меҳнати, тажрибаси, кураши ва ютуқлари ўз аксини топган. Шу боис асрлар давомида халқ ўйинлари авлодларни тарбиялашда "хаёт мактаби" вазифасини ўтаган. Ўзбек халқи орасида "ўюн" ибораси болаларнинг оддий эрмак ўйинларидан тортиб, мерганлик, чавандозлик, дорбозлик ва бошқа майдон томошаларини ҳам ўз ичига олади.

Ўйин — турли ифодали воситалар билан маълум қоида ёки олдидан келишилган шартлар асосидаги жисмоний мусобақалар, беллашувлар, тафаккур баҳслари ва ижрочилик талабларидан вужудга келган қадимий қадриятларимиздан бири. Узоқ асрлардан буён авлоддан-авлодга ўтиб давом этиб келаятган ўйинларда ажодларимизнинг урф-одатлари, маросимлари, яшаш тарзи ва руҳий олами ўз ифодасини топган.

"Ўйин" сўзи туркий халқлар орасида жуда қадимдан "ўюн" шаклида қўлланиб келинган. Сўз "ўй" ва "юн" дан ташкил топган бўлиб, "ўй" бирор нарса, кимса, ҳодиса ҳақида мулоҳаза қилиш, ният қилиш жараёнини ифодалайди. "Юн" эса "қуйламоқ", "ашула айтмоқ", "ижро этмоқ" демакдир. Шундан келиб чиқиб, ўйин — табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ажодларимиз ижодий

фаолияти, бадий ижрочилик қобилияти, маънавий тафаккури ва жисмоний иқтидори орқали куй, кўшиқ ва ҳаракат воситасида билдирадиган муносабатини ифодаловчи қадимий ижод тури дейиш мумкин. М.Қодировнинг маълумотларига кўра, "Алишер Навоий ўз асарларида томоша санъатига нисбатан "лаъб", "тараб", "лаҳв", "ўюн", "бози", "томошо", "шуббада", "лаҳн", "жашн", "базм", "нағма" каби бир қатор атамаларни қўлайди. Кўпчилиги араб, форс тилларидан кириб келган ушбу атамалар маъно жиҳатидан бир-бирга яқин. Аммо "ўюн" (ўйин) атамасининг қарови бирмунча кенгрок. Негаки, у барча томошаларни қамраб олади.

Ўйин иштирокчилари "ўйинчи" номидан ташқари, унинг шакли, мазмуни ва туридан келаятган бўлиб, узоқ тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлган чавандоз, мерган, полвон, морбоз, эчкибоз, айқибоз, беданбоз, ҳўқабоз, кўғирчоқбоз, дорбоз, филбон, чавгонбоз каби ўнлаб атамалар билан ҳам юритилади.

Ўзбек халқ ўйинлари ҳақидаги маълумотлар IX-XII аср тарихчилик, файласуфлари ва шоирлари ижодидан яққол кўзга ташланади. Кайковус, Умар Ҳайём, Абулқосим Фирдавсий, Ал-Берунийлар чавгон, нард, шохмот, тирандозлик, қиличбозлик, чавандозлик каби тур-

кий халқларга оид узоқлаб ўйинлар, уларда қатнашиш одоби хусусида ўз фикрларини ёзиб, ажойиб тинсоллар яратганлар. Ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари"да кураш ва жисмоний машқларнинг кишилар бадан тарбиясидаги ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхтаган. Алишер Навоий достонларида, Мухаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Восифийнинг "Бадоеъ ул вақоеъ", Кошифийнинг "Футувватнома" султониёхуд жавонмардлик тариқати" каби асарларида байрамлар, расмий тантаналар, тўйлар муносабати билан тақдирланган ўйинлар ҳақида кўпгина маълумотлар бор. Уларда ўйинларнинг уюштирилиши, ижрочилари, ўтказиш қоидалари баён этилган.

Бобур ҳам ўз эсдаликларида тўй муносабати билан уюштирилган бир баъзда Ҳиндистондан бозигар (ўйинчи)лар келиб "ўюн" кўрсатганлиги ҳақида ёзади. Оғаҳийнинг "Тўйнома" асарида дорбозлар санъати таърифланади.

Профессор Усмон Қорабоев ўзининг узоқ йиллик кузатишлари натижасида ўзбек халқ ўйинларини табиий-мавсумий, ҳудудий ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган турли жинс ва ёшларга хос воқеабанд, ҳаракатли, воситали, ҳайвонлар иштирокида ўтадиган ўйинларга тасниф қилади. Шунга кўра, халқ ўйинлари овчилик негизида шаклланиб, чорвақиликка алоқадор, хунарманчилик билан боғлиқ, деҳқонлар ҳаётига хос, чавандозлик, ҳаракатли, тақлийдий, мавсумий ва Наврўз ўйинларига бўлинади. Театрлаштирилган ўйинлар тарихий воқеаларни, ҳаётнинг таъсирли, қизиқарли дақиқаларини бадий-ижодий ифодалайди. "Подшо-вазир", "Ов ўйин", "Эски чўпон", "Асир олиш" кабилар ана шундай ўйинлар сирасига кирилади. Доимий ўтказиладиган ўйинлар билан бирга ҳар бир фаслга хос ўйинлар ҳам мавжуд. Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар қуртак чиқарганда — "Тол баргак", дала гуллари

очилганда — "Гул ўйини", пишчилик пайтида данак, ёнғоқ ўйинлари, арғимчоқ учишлар севиб ўйналган. Кеч қуз, қишда ёнғингарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозиқ, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган. Қор ёққанда "Қорхат", "Қорбўрон", ёмғир ёққанда "Ёмғир ёғалоқ", кучли шамол эсганда "Бўрон-бўрон" ўйинлари, соғуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб, "Топишмоқ топ", "Тез айтиш", "Ким айтди", "Оёғингни торт" кабилар ўйналган. Кеч қуздан то баҳоргача "Улоқ" мусобақалари ўтказилган. Муайян ҳудудларга хос ўйинлар қаторида сардоба, карвонсарой, чойхона, меҳмонхона каби жойларнинг ҳам ўз ўйинлари бўлган. Фарғонада "Чумчуқ тушиди бошимга", "Ботмон-ботмон", "Кўшиқни боши", "Дўппи тишлар", "Капитан", "Пар этди" ва бошқалар, Тошкентда "Чигирик" (жойида айланган ҳолда қоптоқ ўйнаш), "Чортак" (ерда чизиб қўйилган чизиклар орасида сакраш), "Арқон ўйин" (арқондан сакраб ўтиш), "Тош ўйин" (майда тошчалар) каби ўйинлар севиб ўйналган.

Мустақиллик йилларида халқ ўйинларини тўплаш, ўрганиш ва қайта тиклаш жараёни изчил йўлга қўйилди. Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари Республика фестивалининг мунтазам равишда ўтказилиши эса бадий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ўзбек халқ ривожа санъати ва миллий ўйинларини тиклаш, ёшларнинг бой маънавий меросимизга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбек халқининг бетакор санимийнати ўзида акс эттирган урф-одат, маросим ва халқ озғани ижоди қадимий маданиятимизнинг гўзаллигини намоян этувчи кўзгудир. Шунинг учун ҳам, миллий ўзликини ағлаш, ажодларимиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналарини асраш ва улардан самарали фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.

Назokat АХМЕДОВА

## ЎГИТ

Беҳуда сарф-харажатлар ичида энг йўл қўйиш мумкин бўлмагани меҳнатни беҳуда сарфлашдир.

Кундузи шундай ишлар қилгинки, тунда уйкинг хотиржам ўтсин, ёшликда ҳам шундай ишлар қилгинки, қарилқда ҳаётинг тинч ва осуда кечсин.

## РИВОЯТ

### Камолот йўли

Кунлардан бир кун илм талаб шогирд устозидан сўради: — Устоз, ҳаётда муносиб ўрин топиш, ҳар бир ишда камолотга эришиш ва доимо одамлар қорига яраш учун нима қилмоқ керак? — Болам, ҳаётда ўз ўрнининг топиб, одамлар хурматига сазовор бўлиш учун, энг аввало, ниятни пок ва холис тут. Ҳасад, гийбат ва иғводдан доимо узоқ юр. Камолотга эса инсон яхшилик йўлини тутиб эришган. Фараз инсонга рўшнолик келтирмайди. Меҳнат-каш, тўғри сўз, самимий, мақсадлари олийжаноб инсонга одамлар интилади. Энг муҳими, улуг мартабага, бойликка, ҳурмат ва эътиборга тўғрилиқ билан эришишга ҳаракат қил.

## БИЛАСИЗМИ?

Гонконг худуди битта ярим орол ва 236 та оролдан иборат.

Гавайи ороли ҳар йили Япония томон 10 сантиметрга силжийди.

## ТУРФА ОЛАМ

### Илк модел

### RIM (КАНАДА) КОМПАНИЯСИ BLACKBERRY 10 ПЛАТФОРМАСИГА КИРУВЧИ ЯНГИ АВЛОД СМАРТФОНЛАРИНИ КАШФ ҚИЛДИ.

Шу йилнинг охирида дунё юзини кўриши кутилаётган ушбу смартфонлар аниқ бир маълумот йўқ. Фақат яқиндагина интернет тармоғи орқали BlackBerry Storm туркумига кирувчи вертикал кўринишдаги QWERTY-слайдер концепти намойиш этилди, холос. Мазкур смартфон экранининг катталиги билан аввалгисидан ажралиб туради. Қолаверса, вертикал кўринишга эга тортмали панелда QWERTY-клавиатура жойланган.

## Янги технология

### ГОЛЛАНДИЯЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚҚАН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАЙДОВЧИНИ МАШИНА ЮВИШ АЗОБИДАН БУТКУЛ ХАЛОС ЭТАДИ.



Ғоя муаллифларининг таъкидлашича, сувга чидамли бўёқ-қоплама машинани нафақат чанг ва ифлосдан тозалайди, балки кузовнинг қирилган жойларини таъмирлай олади. Бундай қоплама устида заррача кир бўлсин узоқ туриб қолмайди. Янги технология ёнилғи билан боғлиқ харажатларни қисқартиришга ҳам ёрдам беради. Яъни, машина қанча тоза бўлса, шамолга қарши туриш шунча камайди. Тадқиқотчилар ушбу технологияни нафақат машинасозликда, балки кемасозлик ва бошқа транспорт воситаларида ҳам қўллаш мумкинлигини айтишмоқда.

## Энг зарарли иш

### АМЕРИКАЛИК ШИФОКОРЛАР НАВБАТ АЛМАШИБ ИШЛАЙДИГАН ОДАМЛАРДА ЮРАК ХАСТАЛИКЛАРИ ВА ИНСУЛЬТГА ЧАЛИНИШ ХАВФИ ЮҚОРИ ЭКАНИНИ АНИКЛАШДИ.



Олимлар салкам 2 миллиондан зиёд ана шундай касб вақилларини текширувдан ўтказишган. Натижада, уларнинг 25 фоизидан юқорида зикр этилган касалликлар авж олаётгани қайд этилган. Бирок, туни билан ишлайдиганларнинг аҳоли ҳаммадан ҳам ёмон бўлиб чиққан. Уларнинг салкам 41 фоизидан қон-томир тизими билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган. Шифокорларнинг фикрича, навбат алмашиб ишлайдиганларда бу хил касалликлар яхши ва меъёрида овқатланмаслик, шунингдек, тўйиб ухламасликдан ҳам келиб чиқади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

## СПОРТ

### Ўзбек кураши дунё нигоҳида

бошчилигидаги делегация Борнмут шаҳрида бўлиши, - дейди тадбирда КХА бош қотиби Умид Ёқубов. — Ташриф чоғида делегация чемпионат ўтказиладиган жанубий Англиядаги етакчи ўқув муассасаларидан бири — Рочестер коллежидан янги барпо этилган «Рой Мур» спорт мажмуасида яратилган шароитлар билан яқиндан танишиди. Бу ерда Буюк Британия Кураш ассоциацияси раҳбарлари ва коллеж директори Дебби Годфрей-По хоним билан учрашув ҳам ўтказилди.

Борнмут шахри мэри Филип Стэнли-Уотс Кураш бўйича жаҳон чемпионатининг Борнмут шаҳрида ўтказилиши улар учун катта шараф эканлигини таъкидлаб, ушбу нуфузли мусобақани ташкил этиш ва ўтказишда ташкилий қўмадга етарлича қўмак беришини эътироф этди.

Ташриф чоғида чемпионат логотипи, тизмолари ва расмий сайтининг ([www.worldkurash2012.com](http://www.worldkurash2012.com)) тақдироти бўлиб ўтди. Жаҳон чемпионати доирасида ташкилий қўмада аъзолари Ўзбекистоннинг

Буюк Британиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда махсус маданий дастур ҳам ташкил этилади. Бу британияликлар ва чемпионат иштирокчиларига Кураш Ватани — Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати ҳамда миллий ошхонаси билан яқиндан танишиш имконини беради.

Тадбирда таъкидланишича, кураш оламидаги ана бир муҳим воқеа жорий йилнинг июль ойида Конго Республикасида бўлиб ўтди. Конго пойтахти Браззавиль шаҳрида кураш

бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Африка чемпионати ўтказилди. Мазкур чемпионат юқори савияда ташкил этилиб, унда 20 га яқин давлат иштирок этди. Мусобақалар мамлакатнинг барча ОАВ ва миллий телевидениеси орқали кенг ёритилди.

Шунингдек тадбир чоғида, КХАнинг бош қароргоҳида ташкил этилган музей ҳақида баътафсил маълумот берилди. Музей жорий йилнинг май ойида очилган бўлиб, бу ердан мамлакатимиз спортчилари қўлга киритган ютуқлар, совринлар ва 21 тадан ортиқ тилларда чоп этилган ўзбек кураши ҳақидаги китоблар жой олган.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ, «Туркистон-пресс»

Жорий йилнинг 23-28 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида Кураш Халқаро Ассоциациясининг XIII Конгресси ҳамда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Тошкентда матбуот анжумани ўтказилди.

— Жаҳон чемпионатини ўтказишга тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида Кураш Халқаро Ассоциацияси президенти Комил Юсупов